

## Тазкия дарслари (150-дарс). Осийлик амрларни тарк этишдир



19:00 / 21.08.2021 4895

Банда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган қалб хасталикларидан бири осийликдир.

«Осийлик», «исён», «маъсият» сўзлари бир ўзакдан бўлиб, луғатда «тоатдан чиқиш» деган маънони билдиради.

Уламолар истилоҳида «осийлик» Аллоҳ таолонинг буйруқларига бўйсунишни тарк қилишдир.

Бошқа бир таърифда айтилишича, осийлик амрларни тарк этишдир. Аллоҳ таолонинг Китобида ва Расулининг тилидан фарз ва вожиб қилинган нарсаларни тарк қилиш ва Аллоҳ таоло амр қилган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етказган зоҳир ва ботин амалларни содир

этмасликдир.

Осийлар икки хил бўлади:

1. Маъсиятни қилиш билан бирга, тоатдан ҳам бош тартади. Бу энг ёмони ҳисобланади.
2. Маъсиятни қилиш билан бирга, тоатларни ҳам адо этади. Бундай банда маъсиятига яраша жазо олади.

Маъсиятнинг катта ёки кичиклигига қараб унинг ҳукми ҳам ўзгаради. Аммо кичик гуноҳни давомли қилиш катта гуноҳни келтириб чиқаради. Ким катта гуноҳ қилса, фосиқ бўлади ва гувоҳлиги ўтмайди.

Аллоҳ таоло маъсиятни қаттиқ қоралаган ва унинг оқибатидан ҳазир бўлишга чақирган. У Зот Нисо сурасида марҳамат қилади:

**بِأَدْعُ هَلْ وَ أَيْفَ أَدْلَاحِ أَرَانُ هَلْ خُدِّي هَدُودُحٌ دَعَتَيَّ وَ هَلْ وَسَرَوَ هَلْ لَاصُعَي نَمَو  
نِي هَم**

«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига осийлик қилса ва Унинг чегараларини бузса, У Зот уни мангу қолувчи бўлган ҳолида оловга киритадир. Ва унга хорловчи азоб бордир» (14-оят).

Демак, бу дунёда фақат Аллоҳга ва Унинг Расулигагина итоат қилиб яшаш лозим. Бу итоат шариатга амал қилиш билан бўлади. Аллоҳга бўйсуниб, У кўрсатган дастурга амал қилиб яшаш иймонда, Исломда яшаш демакдир.

Демак, охирада ҳар кимга бу дунёдаги амалига қараб муомала қилинади. Бу дунёда Аллоҳ таолога ва Унинг Расулига итоат этмай, осийлик қилиб, Аллоҳ таолонинг чегарасидан чиққанлар у дунёда абадий дўзахга киритилади. У ерда албатта, хорловчи азоблар ҳам бўлади.

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасида марҳамат қилади:

**مُهَلَّ نَوُكَي نَأْ أَرْمَأُ هَلْ وَسَرَوُ هَلْ لَاصُعَي نَمَو نَمُؤْمَلِ نَأْ كِ أَمَو  
أَنِي بُمِ أَلِ لَاصُعَي دَقَفُ هَلْ وَسَرَوُ هَلْ لَاصُعَي نَمَو مَوْرَمَأُ نَمُؤْرِي خُلِ أ**

«Ҳеч бир мўмин ва мўмина учун Аллоҳ ва Унинг Расули бир ишга ҳукм қилганида, ўз ишларини ўзларича ихтиёр қилмоқ йўқ. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлса, бас, батаҳқиқ, очиқ адашиш-ла адашибди» (36-оят).



Бизга душманларимиз устидан нусрат бергин. Мусибатимизни динимизда қилмагин. Дунёни бош қайғумиз, илмимизнинг етган жойи қилмагин. Устимиздан бизга раҳм қилмайдиганни султон қилмагин».

Термизий ривоят қилган.

***«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди***